

PhD Дилора Абдурахимова
Тошкент молия институти

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК ИННОВАЦИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Юқори инфляция шароитида чет элдан олинадиган кредитлар нархи кескин ўсаётгани сабабли, мамлакатимиз ичида банк ислохотларини жадаллаштириш, ва шу аснода ўсишни ички молиявий ресурсларни самарали мобилизация қилиш учун молиявий технологиялар билан такомиллаштирилган инновацияларни амалиётга жорий қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Сабаби айнан уларни тадбиқ этилиши инсон омилини камайтириш орқали амалиётларнинг вақт ва маблағ харажатларини камайтириш билан бирга тез-тез учраб турувчи ўғрилиқ ва коррупцияни олдини олиш орқали мақсадга эришишга имкон беради. Мақолада, халқаро амалиётда ушбу мақсадларда қўлланиладиган инновацион банк маҳсулотларини жорий қилишдаги мавжуд муаммолар аниқланиб таҳлил қилинган ва уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: банк инновациялар, банк инновацион маҳсулотлари, финтех, рақамли банк хизматлари, масофавий банк хизматлари.

PROBLEMS OF IMPLEMENTATION OF BANKING INNOVATIONS IN UZBEKISTAN AND THE WAYS OF ELIMINATING THEM

Abstract. Due to the sharp increase in the cost of loans from abroad in conditions of high inflation, it is of particular importance to accelerate banking reforms within the country, and, consequently, the introduction of innovations improved by financial technologies for the effective mobilization of domestic financial resources, since it is their implementation that allows achieving the goal for by reducing time and money costs. In the article it is identified and analyzed the problems that hinder penetration of innovative banking products used for these purposes in international practice, and developed ways to eliminate them.

Keywords: banking innovations, banking innovative products, fintech, digital banking services, remote banking services.

Кириш

Тоғсимон вирус оқибатида юзага келган пандемиядан сўнг хали жаҳон иқтисодиёти ўзини тикламасданок, халқаро ҳамжамиятдаги сиёсий

нумовозанатлик барча мамлакатлар қатори мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмаяпти. Хусусан, юқори инфляция шароитида чет элдан олинадиган кредитлар нарҳи кескин ўсаётгани сабабли, мамлакатимиз ичида банк ислохотларини жадаллаштириш, ва шу аснода ўсишни ички молиявий ресурсларни самарали мобилизация қилиш учун молиявий технологиялар билан такомиллаштирилган инновацияларни амалиётга жорий қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, айнан уларни тадқиқ этилиши инсон омилини камайтириш орқали амалиётларнинг вақт ва маблағ ҳаражатларини камайтириш билан бирга, ривожланаётган мамлакатларда учраб турувчи ўғрилиқ ва коррупцияни олдини олган ҳолда белгиланган мақсадга эришишга имкон беради.

Шу муносабат билан сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий банклар трансформацияланиши жараёнида улар томонидан инновацион банк маҳсулотларини жорий этиш авж олган. Бу борада мазкур трансформация жараёнининг ташаббускори айнан ҳукуматнинг ўзи эканлиги ушбу ўзгаришларнинг иқтисодиёт учун нақадар муҳимлигини яна бир бор кўрсатиб беради [1],[2]. Сабаби миллий банкларда янги маҳсулотларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши банк маҳсулотлари сифатини ҳамда истеъмолчига етказиб бериш тезлиги бир неча баробар оширмоқда. Бу эса ўз навбатида иқтисодий жараёнларни тезлашиши ҳисобига нафақат банкларнинг балки мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига олиб келади.

Адабиётлар таҳлили

Бугунги кунда халқаро амалиётда ушбу мақсадларда катта маълумотларни қайта ишлаш ва самарали фойдаланишга имкон берувчи BigData, машинали ўқитиш, сунъий интелект, робоэдвайзинг ва блокчейн каби юқори технологияларга асосланган инновацион банк маҳсулотларини жорий қилиш банк фаолияти самарадорлигини оширишга олиб келмоқда. Мазкур инновацияларнинг қўлланилиши орқали банк фаолиятини ривожлантириш масаласини кўпгина олимлар тадқиқ қилганлар.

У.Ларссон фикрича, замонавий юқори технологиялар дунёсида сунъий интелектни ривожланиши орқали ижтимоий хавфга таъсир кўрсатиш мумкин [5]. Бунда мазкур технологиядан фойдаланиш инсоннинг молиявий сектордаги иштирокини кескин камайтиради деган хулоса қилишга имкон беради.

П.С. Роузнинг фикрига кўра бугунги кунда молиявий муассасалар улар учун асосий рақобатчига айланган финтех компанияларни ўзиб ўтиш мақсадида кундан кунга замонавий молиявий технологияларни ривожлантиришга фаол сармоя киритмоқдалар, аммо уларга нафақатки

кичик финтех компаниялар балки асосий фаолияти интернет орқали амалга оширилувчи йирик ташкилотлар ҳам кучли рақобатчи бўла олади [6].

Г.Хэмел эса молия сектори ривожланишининг бугунги босқичида замонавий технологиялар ва бизнес-жараёнларнинг жорий этилиши банкларга ўз фаолиятини икки йўналишда самарали амалга ошириш имконини беради деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, юқори рақобат шароитида банклар ё мавжуд финтех стратапларни сотиб олишга ёки стратапларни мустақил равишда молиялаштиришга мажбур бўладилар [7]. Ҳар бир банк, албатта, бундай қарорга тайёр эмас, бу жуда мураккаб тизим бўлиб, у фақат банк тизимининг асосий бўғинини ташкил этувчи энг йирик банкларгина қодир.

Шунингдек, Л.М.Гохбертнинг маҳаллий финтехнинг ўзига хослиги шундаки, технологик янгиликлар асосан банк тизимига асосланган, шунинг учун алоҳида финтех лойиҳаларининг ташқи бозорларга нисбатан заиф ривожланганлиги тўғрисидаги фикри айнан миллий молия бозорига мос келади[3]. Мамлакатимиз банклари фақат молиявий технологияларни динамик равишда жорий этишлари, истиқболли стартапларни сотиб олишлари ва стратегик шартномалар тузишлари мумкин. Аммо бугунги кунда ҳамма нарса шу тарзда ривожланиб бормоқдаки, хорижий ва маҳаллий инвесторлар, хусусан банкларнинг ўзи ҳам миллий финтех стартапларига қизиқиш билдирмаяптилар.

Молия бозоридаги мавжуд вазият шундан иборатки, финтех лойиҳаларининг рақобати кучайиши туфайли банклар ўз бизнес моделларини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлмоқдалар [8]. Амалиёт шуни кўрсатадики, янги хатарлар пайдо бўлади, мавжуд бўлганларнинг хавфи ортади, бундан ташқари бу жуда қийин ва қимматга тушади.

Умуман олганда, Э. Ж.Долан, К.Д.Кэмпбелл, Р.Ж.Кэмпбеллларнинг фикрича, жорий этилаётган инновациялар ва уларни истеъмолчиларга тақдим этиш тезлиги сўнгги пайтларда бир неча бор ошди, чунки замонавий одамлар ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш ва уларни кундалик ҳаётда қўллаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Шу муносабат билан миждозларнинг юқори даражадаги хабардорлиги кузатилмоқда, эҳтиёжлар ортмоқда ва банк муассасалари ишига талаблар ортмоқда [4]. Бу банкларни миждозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, банк маҳсулотлари ва хизматлари турларини кўпайтиришга ундайди ва умуман, банкларни истеъмолчилар сўровларига оқилона жавоб беришга мажбур қилади. Аммо, бу маънода доимий рақобат ва миждозларнинг кутилмаларини аниқлашга қаратилган қиммат маркетинг тадқиқотлари орқали янгидан-янги рақамли инновацион маҳсулотларни яратиш кетидан

доимий харажатлари ошиб бориши кутилмоқда. Бунда ушбу рақобат мухитида ҳар доим ҳам харажатларни тўғри рационал тақсимланиши асосий омилга айланиб бормоқда.

Мақолада, бугунги кундаги жаҳон иқтисодиётнинг ривожланишига тўсиқлар шароитида, юқорида санаб ўтилган тадқиқотлар орқали аниқланган муаммоларнинг банк фаолиятига таъсири таҳлили келтирилади ва уларни бартараф этиш учун ечимлар таклиф этилади.

Тадқиқот методологияси

Мақолада илмий абстракциялаш, тасвирий статистика, эксперт баҳолаш, гуруҳлаштириш, динамик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Мамлакатимизда мустақилликни қўлга киритиши биланок юқори инфляциянинг иқтисодиётга салбий таъсири билан курашиб келмоқда. Бу борада ўтган 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида талайгина ижобий натижаларга эришилди.

Масалан, 2012-2022 йилларда инфляция ўсиш суръати етарли даражада ўзгарувчан бўлишига қармай, маълум даражада уни жиловлашга урунишлар ўз самарасини берди дея олиш мумкин (1-расмга қаранг).




1-расм. 2012-2023 йилларда инфляция ва қайта молиялаштириш ставкаси ўсиш динамикаси (истикболи)[9]

Хусусан, ушбу натижага эришиш учун 2017 йилдан бери Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг расмий инфляциядан юқори

кўрсаткичга эга эканлиги инфляцияни жиловлаш учун “қиммат пуллар” сиёсатидан фойдаланилаётганлигини англатади.

Аммо шунга қарамай, молия бозорининг ривожланишига асосий тўсиқлардан бири бўлмиш мамлакатимиздаги инфляциянинг юқори даражада эканлигига нафақатки, мамлакат ички муҳити, балки жаҳон иқтисодиётидаги ўзагришлар ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, пандемия шароитида карантин чораларини бутун дунёда жорий этилиши оқибатида иқтисодий муаммоларни ечими ҳали тўлиқ жорий қилинмасданок, жаҳон ҳамжамиятидаги сиёсий низолар оқибатида иқтисодий асоратларнинг келиб чиқиши яна мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунда нафақатки, миллий валютанинг халқаро хорижий валюталарининг ҳам инфляция даражаси ошишиб бораётганлигини кўриш мумкин (2-расмга қаранг).




2-расм. Сўнгги ойлarda миллий валюта сўм ва АҚШ долларининг инфляция динамикаси¹

2-расм маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, ўтган 11 ой мобайнида миллий валюта сўм бўйича инфляция 10,3 фоиздан 12,2 фоизгача ўзгарган бўлса, АҚШ доллари 6,8 фоиздан 8,2%га ошган. Яъни миллий валюта инфляциясидан кўра (ўсиш давр мобайнида 18,5 фоиз) АҚШ доллари инфляцияси (ўсиш 20,6 фоиз) юқорида темпга эга.

Аммо, миллий банкларнинг йирик қисмини айнан хорижий валюта (асосий қисмини АҚШ доллари) ташкил қилганлиги сабабли, АҚШ

¹Расм Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

доллари инфляциясининг ошиб бораётганлиги миллий тизимда ушбу кўрсаткични камайтириб боришга ундайди.




3-расм. Банклар активларининг хорижий валюдаги қисми улуши[9]

3-расм маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, ўтган 7 йил мобайнида пасайиш динамикаси кузатилаётган бўлсада, активларнинг хорижий валютадаги қисми деярли активларнинг ярмини ташкил қилмоқда.

Юқоридаги маълумотлар, иқтисодиётни ривожлантириш учун ташқи қарзларни эмас, балки ички ресурсларни мобилизация қилиш имкониятларини кенгайтириш кераклигини англатади.


Ўтган йиллар давомида рақамли банк тизимини ривожлантириш учун бир қатор ишлар амалга оширилди.



4-расм. 2019-2022 йилларда банк хизматларини инсон омилисиз кўрсатиш даражасининг динамикаси [9]


4-расм маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, 2019-2022 йилларда банк хизматлари марказлари сони 20 фоиздан зиёд, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш пунктлари эса 2,5 баробардан зиёд ошган. Албатта улранинг ошишига

банк ходимларисиз масофадан хизмат кўрсатишга талаб ошаётганлиги хам сабаб бўлмоқда.



5-расм. 2017-2022 йилларда масофадан банк хизматларидан фойдаланувчилар сони ўсиш динамикаси [9]

5-расм маълумотлари 2017-2022 йиллар давомида масофадан банк хизматларидан фойдаланувчилар сони жуда шиддат билан ошаётганлигини ва ўсиш 5 баробардан зиёдлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, ушбу соҳа ривожланиш босқичининг бошланғич палласида эканлиги ушбу йўналиш истиқболли юқори самарадор банк хизматлари бозорига асос бўлиши шубҳасиз.



6-расм. 2020-2022 йилларда очилган тўлов ташкилотлари сони бўйича маълумотлар [9]

6-расм маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, 2020-2022 йиллар давомида мамлакатда 46та тўлов ташкилоти очилган бўлиб, унинг асосий қисми пандемия шароитида карантин чоралари ҳисобига масофадан

хизматларга талаб кўпайган 2020 йилга тўғри келмоқда. Бунда Марказий банк маълумотларига асосан, ушбу очилган тўлов ташкилотларининг 41таси айнан Тошкент шаҳрида очилган. Уларнинг фақат 1таси давлат унитар корхонаси томонидан (“SOLIQ SERVIS” ДУК) очилган бўлиб, қолган холларда акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар томонидан очилган. Уларнинг албатта йирик хизмат кўрсатиш муассасалари томонидан (масалан, “Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси” АЖ) ҳам ташкил қилиш ҳолатлари мавжуд. Аммо умумий олганда трансформация амалга оширувчи корхоналар томонидан финтех компанияларни жалб қилиш ҳолатлари кам учрайди.

Шунингдек, ўтган йиллар давомида АТ “Алоқабанк”, АТБ “Универсал банк”, “Агробанк” АТБ, “Капиталбанк” АТБ, “Bank Apelsin” АЖ, “Трастбанк” ХАБ, АТБ “Универсал банк” ва АТ Халқ банки томонидан “OSON”, “E-CARD”, “CLICK”, “WOOPPAY”, “alif.mobi”, “Interpay”, “A-pay”, “QIWI Uzbekistan” каби 15та электрон пуллар тизимлари ташкил этилди.

Албатта, барча тижорат банклари томонидан уларнинг мобил иловалари орқали хизмат кўрсатилиши албатта қувонарли хол. Улардаги бот ва бошқа сунъий бот дастурлари орқали хизмат кўрсатиш ушбу банк маҳсулотлари сифатини оширомоқда. Шунингдек, тижорат банклари томонидан скоринг тизимларини ишга туширилиши кредитлашдаги хато ва камчиликлар, хусусан, коррупциянинг олдини олишга имкон беради.

Шунингдек, кредит бўйича таҳлил амалга оширилишида турли базаларга интеграция илган ҳолда тизимли маълумотларнинг олиниши ушбу маҳсулотларнинг яна бир устунлик томонидир.

Аммо шунга қарамай, банклар томонида юқори рискли операциялар турига кирувчи кредитлар амалиётида инсон омилини янада камайитириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, давлат томонидан ижтимоий химоялаш сиёсатининг бир қисми бўлмиш мақсадли марказлаштирилган фондлар ҳисобидан кредитлаш тизимини шаффофлиги ва аниқ вақт режимида дастурлаштирилган тизим томонидан тайёрланадиган таҳлилий маълумотлар берилиши йўлга қўйилмоғи лозим.

Шунингдек, ички ресурсларни самарали мобилизациясидан ташқари, ички финтех компаниялари ва стартапларига нафақат ички, балки ташқи тўғридан-тўғри инвестициялар киришини таъминловчи тизимлар яратилиши мақсадга мувофиқ.

Албатта, юқори технологияларга асосланган инновацион банк маҳсулотларини яратиш бу қиммат жараён, ва бу борада мамлакатдаги йирик ва давлат улушли банкларнинг рақобатбардошлик даражаси юқори,

аммо хусусий банклар устав капиталларига ҳам хорижий капиталнинг киритилишига кенг йўл очилиши соф рақобат мухитини яратиш ва сифатли инновацион банк маҳсулотлари бозорини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи жиддий туртки бўлган бўлар эди.

Хулоса ва таклифлар

Бугунги кунда миллий банкларда молиявий технологиялар билан такомиллаштирилган банк маҳсулотлари бозори ривожланиб бормоқда.

Бунга масофадан банк хизматларидан фойдаланувчилар сонини ошириш билан асослаш мумкин бўлган талаб бир томондан сабаб бўлаётган бўлса, 2-томондан жаҳон иқтисодиётга тобора интеграциялашиб бораётган иқтисодиётимиздаги тизимли муаммоларни ҳал қилиш дея кўрсатиш мумкин. Бу йўлда бир қатор ишлаб амалга оширилди.

Хусусан, ўтган йиллар давомида нафақат банк ташкилотлари балки тўлов тизимлари томонидан банк хизматлари амалга оширилиши бошланганлиги қувонарли ҳолат.

Умуман олганда, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидагилар таклиф этилади:

1. банклар томонида юқори рискли операциялар турига кирувчи кредитлар амалиётида инсон омилини янада камайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, давлат томонидан ижтимоий ҳимоялаш сиёсатининг бир қисми бўлмиш мақсадли марказлаштирилган фондлар ҳисобидан кредитлаш тизимини шаффофлиги ва аниқ вақт режимида дастурлаштирилган тизим томонидан тайёрланадиган таҳлилий маълумотлар берилиши йўлга қўйилмоғи лозим.

2. Ички ресурсларни самарали мобилизациясидан ташқари, ички финтех компаниялари ва стартапларига нафақат ички, балки ташқи тўғридан-тўғри инвестициялар киришини таъминловчи тизимлар яратилиши мақсадга мувофиқ. Бунда миллий хусусий банкларига ва финтех компания ва стартапларига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни тақозо этади.

3. Ички банк хизматларини янада ривожлантириш ва киритилган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш учун кичик финтех тизимлари ва йирик банк маҳсулотлари интеграцияларини амалга ошириши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992 сонли «2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида» фармони

3. Гохберт Л.М. Новая инновационная система для «новой экономики». М.: ВШЭ, 2018.

4. Долан, Эдвин Дж; Кэмпбелл, Колин Д.; Кэмпбелл, Розмари Дж Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика; М.-СПб: Автокомп; ПрофикоМ., 2018. – 448 с.

5. Ларссон, Ульф Альфред Нобель. Сети инноваций; СПб: Гуманистика – М., 2016. – 220 с.

6. Роуз, П.С. Банковский менеджмент: предоставление финансовых услуг / П.С. Роуз. – М.: Дело ЛТД, 2015. – 610 с.

7. Хэмел, Гэри Во главе революции. Как добиться успеха в турбулентные времена, превратив инновации в образ жизни; СПб: BestBusinessBooks – М., 2017. – 370 с.

8. Якобсон, А.Я. Инновационный менеджмент: Учебное пособие / А.Я. Якобсон. – М.: Омега-Л, 2018. – 176 с.

9. Марказий банк расмий веб-сайти: <https://cbu.uz>